O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 7 сентябр пайшанба

Сотувда эркин нархда № 175 (2472)



Мустақиллик иншоотлари





## ЎНҚЎРҒОНДА КОЛЛЕЖ

Пойтахт вилоятининг Қибрай туманида энергетиклар коллежи фойдаланишга топширилди. Маросимда нафақат ўқитувчи ва ўқувчилар, балки Ўнқўрғон қишлоқ фуқаролари йиғини ўрамида яшовчи аҳоли ҳам фаол қатнашди. Шинам ўқув хоналари, устахоналар, спорт комплекси, лабораторияларни айланган киши ундан қониқиш ҳосил қилиши тайин. Зеро, Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги ушбу коллежни тўлиқ таъмирлаш учун 750 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлади.

Коллежда ўқувчилар асосан беш йўналиш бўйича ҳунар ўрганадилар. Иссиқлик электр станцияларини таъмирлаш бўйича усталар, назорат ўлчов асбоблари усталари, пайвандловчилар, электр тармоқлари мутахассислари, тикувчилар шулар жумласидандир. Бу ерда билим олиш, спорт билан шуғулланиш, дарсдан сўнг кўнгилли ҳордиқ чиқариш учун барча шароит муҳайё.

Шуниси эътиборлики, мазкур ўқув даргоҳи қисқа вақт оралиғида қайта таъмирланиб, қўшимча бинолар ҳам қурилди. Мўъжазгина теннис корти, минифутбол, баскетбол, волейбол майдончалари, устахоналар мажмуаси талабалар хизматида.

— Мен энергетиклар билим юртида йигирма беш йил ишлаб, пенсияга чиқдим, — дейди тадбир иштирокчиси Ҳуррият момо Ғофурова. — Бугунгидек кўркам ўқув биносини йиллаб орзу қилган эдик. Шукурки, ана шу орзумиз рўёбга чиқди. Фарзандларимиз, набираю эвараларимиз бу ерда билим олажакларини ўйласам, қалбим ғурурга тўлади. Буларнинг барчаси мустақиллик шарофатидандир.

Дарҳақиқат, энергетиклар коллежи 450 нафар йигит-қизни ўз бағрига олди. Бундан нафақат ўқув маскани ўқитувчию ўқувчилари, балки бош пудратчи — Тошкент иссиқлик электр станцияси қурилиш бошқармаси бинокорлари ҳам мамнун. Негаки, фарзандларимиз қувончида уларнинг ҳам бекиёс ҳиссалари бор.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА: коллеж биносининг ташқи кўриниши; биринчи машғулот.**
**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

ШУ СОНГА ХАБАР

**Тошкентдаги Халқаро кураш ассоциацияси штаб-квартирасига Англиядан ажойиб хушхабар келди.**

## АНГЛИЯДА — ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТУРНИР

Британия Кураш ассоциацияси Халқаро кураш ассоциацияси ташкил этилганига 2 йил тўлиши муносабати билан жорий йилнинг 1 октябрида барча ёшдаги эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида кураш бўйича турнир ўтказишга қарор қилди.

Турнир Лондон яқинидаги Бедфорд шаҳрида Халқаро кураш ассоциациясининг фахрий президенти – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шарафига ўтказилади ва унинг номи билан аталади.

**(ЎзА).**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Мустақиллик куни муносабати билан янги минг йилликда Сизга, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига ғоят самимий қутловларим ҳамда энг эзгу тилакларимни изҳор этиш менга жуда катта мамнуният бахш этади.

Йигирма биринчи аср бошида дунёнинг катта қисми тинч яшаётганидан кўпчилигимиз мамнунмиз. Одамлар ота-оналари ва боболарига қараганда яхшироқ таълим олди ва кўпроқ эркинлик ҳамда янада кенгроқ имкониятларга эга бўлган ҳолда, узоқроқ умр кўришга умид қила олади. Ҳозир ўйлаб кўриш, ортга назар ташлаб, нималарга эришганимиз ва қаерда муваффақиятсизликка учраганимизни идрок этиш, сўнгра эса олға қараб, янги асрни қай йўсинда аввалгисига қараганда яхшироқ қила олишимиз тўғрисида ўйлаб кўриш вақти келди. Бизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вазифамиз бутун дунёда тинчликни таъминлаш учун курашдир. Тинчлик – муштарак мақсад ва айни пайтда жаҳоншумул ҳамкорликсиз эришиб бўлмайдиган ягона неъмат. Келгуси йилларга эътибор қаратар эканмиз, шуни ёдда тутиш зарурки, ҳаммамиз фақат урушларга чек қўйиш учунгина эмас, очлик, қашшоқлик ва касалликларни батамом тугатиш учун ҳам биргаликда ишлашимиз лозим. Боз устига, биз адолат, демократия ва қонун устуворлигига асосланган жамият барпо этишимиз даркор. Чинакам тинчлик мана шу барча жиҳатларни ўз ичига олади. Авлодларнинг манфаатларини кўзлаб янги минг йилликни ялпи тинчлик даврига айлантириш учун куч-ғайрат сарфлаш зарур. Мана шу вазифани бажаришда Ўзбекистоннинг мадади давом эттирилишига ва у ўзининг мажбуриятларини бажаришига умид боғлай олишимизни ёдда тутамиз.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Кофи АННАН,**
**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби.**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Миллий байрам – Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан арман халқи ва шахсан ўз номимдан Сизни ва сиз орқали Ўзбекистон халқини сидқидилдан муборакбод этаман.

Арманистон билан Ўзбекистон ўртасида узоқ асрларга илдиз отган анъанавий дўстлик муносабатлари бизнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатимиз билан халқларимиз ва давлатларимизнинг манфаатлари йўлида самарали ривожланиб, чуқурлашиб бораверади, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб Сизга, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Ўзбекистон халқига бахт-саодат,тинчлик фаровонлик тилайман.

Эҳтиром ила,

**Роберт КОЧАРЯН,**
**Арманистон Республикаси Президенти.**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Президент Жаноблари,

Мамлакатингизнинг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан Сизни муборакбод этишимга ижозат бергайсиз.

Чехия Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги муносабатлар шериклик, ишонч ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик руҳида ривожланиб бораётганини Сизга маълум қилиш менга мамнуният бахш этади.

Президент Жаноблари, Сизга юритаётган фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

**Вацлав ГАВЕЛ,**
**Чехия Республикаси Президенти.**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Давлатингиз Миллий куни муносабати билан Қатар Давлати ва халқи номидан Сиз, Жаноби Олийларига, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига самимий табрикларимизни юбориш шарафига муяссармиз.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сизга энг самимий тилакларимизни билдириб, Сизга соғлик ва бахт, дўст ўзбек халқига эса тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

**Хамад бин Халифа ас-Соний,**
**Қатар Давлати Амири.**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Мамлакатингиз Миллий куни муносабати билан самимий табрикларим ва энг эзгу тилакларимни билдираман ҳамда Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва бахт, дўст ўзбек халқига эса тараққиёт ва фаровонлик тилаш шарафига муяссар эканлигимдан ғоятда мамнунман.

**Жосим бин Ҳамад ас-Соний,**
**Қатар Давлати Валиаҳди.**

**(Давоми 2-бетда).**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Р.В.Абдукадировни Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш тўғрисида

Давлат идораларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва ижтимоий -сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун Равиль Вахабович Абдукадиров Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 6 сентябр.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида

**Ўзбекистонга қўшни бўлган давлатлар ҳудудидаги террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган, оғир жиноятлар содир этмаган, Ватанига, ота-онаси бағрига қайтиб, тинч ҳаёт кечиришни ният қилган шахсларга яна бир бор имконият бериш, уларнинг беҳуда қурбон бўлишига йўл қўймаслик мақсадида ҳамда гуманистик туйғу ва интилишлардан келиб чиққан ҳолда:**

1. Турли хил экстремистик оқимлар таъсирида чет элларга кетиб, террорчи гуруҳларга қўшилиб қолган, қўли қонга ботмаган, ўз қилмишидан надомат чекиб, пушаймон бўлиб бош эгиб келган шахслар жиноий жавобгарликдан озод этилсин.

2. Ушбу Фармон мазкур шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши учун ҳуқуқий асос бўлиши белгилаб қўйилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ушбу Фармон талабларидан келиб чиқиб, террорчилик, босқинчилик билан боғлиқ хавф-хатарларнинг олдини олиш, халқимизнинг тинч ҳаётини таъминлаш мақсадида ўз фаолиятини янада кучайтирсин. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, маҳаллий ҳокимликлар, маҳалла фаоллари ҳушёрлик ва огоҳликни ошириш бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришга жиддий эътибор қаратсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгаши котиби М.Раҳмонқулов ва Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў.Комилов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 6 сентябр.

● Қозоғистондан мактуб

## ҲАММАМИЗ УЧУН ИФТИХОР

**Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!**

Ўзбекистонда Сизнинг раҳбарлигингизда амалга оширилаётган улуғвор ишларни кўрганда улуғ рус шоири А.С.Пушкиннинг *"Қўл билан тиклаб бўлмас ҳайкал қуйдим ўзимга"* деган сатри хаёлимдан ўтади. Бундай шарафга ҳар ким ҳам муяссар бўла олмайди.

Сизнинг раҳбарлигингизда Тошкентнинг қиёфаси бутунлай ўзгарди. Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарлар, қанчадан-қанча тарихий обидалар қайта таъмирланди. Ўзбек автомобиллари дунё бўйлаб кезар экан, бу барчамиз учун фахр-ифтихор эмасми?

Шу маънода Сиз миллат сарвари, чинакам йўлбошчисиз. Йиллар, асрлар ўтади, лекин Ўзбекистон халқлари Сиз билан дунё тургунча ифтихор қилади.

Ўзбек халқи — улуғ халқ. Унинг келажаги ҳам буюк. "Шолининг ичида курмаги ҳам бўлади" деганларидек, шу халқ ичидан айрим кўрнамаклар ҳам чиқди. Аммо бу ватанфурушлар мустақил Ўзбекистон қўлга киритган ютуқларга соя ташлай олмайди.

**(Давоми 2-бетда).**

● Қирғизистондан мактуб

## ЯХШИНИНГ ШАРОФАТИ

**Ассалому алайкум, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!**

Сизга ушбу мактубни чуқур ҳаяжон билан ёзаяпман.

Бизнинг бобомиз ҳам XIX асрнинг иккинчи ярмида ўлкамизга истилочилар бостириб кирганда уларга қарши мардона курашган. Шуларнинг камтарона хизмати Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази томонидан тарихий ҳужжатлар асосида тикланаётгани мени тўлқинлантириб юборди.

Мустақиллик бўлмаганида бу ҳақиқатлар очилмасдан, ёпиқ қозон ёпиқлигича қолиб кетар эди. Ахир, бу кунларни орзиқиб кутиб, армон билан ўтиб кетганлар қанча...

Мустақиллик бизга жуда кўп неъматлар берди. Унутилган қадриятларимиз, тарихимиз тикланди. Ноҳақликдан кўнгли кемтик бўлган биз каби инсонларнинг қадди тоғ каби юксалди.

Албатта, мен истиқлол берган буюк неъматларни бир-бир санаш ниятида эмасман, балки шундай

**(Давоми 2-бетда).**

Истиқлол мевалари

## ЖАҲОН ТАЛАБИГА МОС ХОМАШЁ

**Навоий шаҳрида яна бир ана шундай маҳсулот ишлаб чиқаришга киришилмоқда. Бу ерда олмониялик шериклар билан ҳамкорликда жун ювиш қўшма корхонаси барпо этилаётир.**

Азалдан халқимизда шундай гап бор: «Аввало, кўнглингда бўлсин». Дилда туғилган ишга астойдил киришилса, у қанчалик мураккаб ва машаққатли бўлмасин, шубҳасиз, бажарилади. Инсон тафаккури, ақл-заковати, саъй-ҳаракати, қадоқ қўллари жуда кўп нарсаларга қодир. Бу фикрни шунчаки чиройли тасвир учун билдираётганимиз йўқ. Яқин орада ишга тушириладиган жун ювиш корхонасини ҳайратланиб кўздан кечиргач, хаёлимиздан шундай фикр кечди.

Жунни саноат асосида қайта ишлаш борасидаги ниятлар ўнлаб йиллар давомида орзулигича қолиб келарди. Тоталитар тузум буйруқбозликлари, қоракўлчиликдаги ҳавойи сон кетидан қувишлар мазкур тармоқни бутунлай издан чиқарди, дейиш мумкин. Айниқса, «СЖК» туфайли сермаҳсул совлиқлар жуда камайиб кетди. Келажаги йўқ селекция- наслчилик ишлари сабаб сифатсиз, салмоқсиз терилару дағал ва кам толали жунларга эга бўлиб қолдик. Оқибатда эса ўз ўрни ва салобатига эга бўлган ўзбек қоракўли ҳам, унинг жуни ҳам дунё бозорида назардан қолди.

Истиқлол туфайлигина қоракўлчилигимиз асл ҳолатига қайтди. Эндиликда қўйқўзилар терисига ҳам, жунига ҳам жаҳон бозорида талаб катта. Гап уларни ўзимизда қайта ишлашни саноат асосида йўлга қўя билишда.

Биргина Навоий вилояти харитасига назар ташласангиз, унинг учдан икки қисми даштлик, тоғлик, қир-адир ва қумликлардан иборатлигига гувоҳ бўласиз. Ана шу сарҳадларда 900 минг бошга яқин қўй-эчкилар, 5 мингдан ортиқ туя, 7 мингдан зиёд от ва бошқа чорва моллари боқилмоқда. Улардан олинадиган гўшт, сут, тери ва жун эса катта бойлик, бебаҳо саноат хомашёсидир.

Ана шу кенг имкониятдан эндиликда вилоятнинг ўзида фойдаланишга асос солинди. «Навоийсавдо» ҳиссадорлик жамияти ишбилармонлари «Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси ҳамкорлигида жун ювиш корхонасини бунёд этдилар. Шу мақсадда Осиё тараққиёт ва тикланиш банкидан икки ярим миллион АҚШ доллари миқдорида кредит олинди. Олмониянинг Франкфурт Майн шаҳридаги «Флайснер» фирмаси билан мустаҳкам алоқа боғланди. Ғоят қисқа муддатда фирма мутахассислари жунни титиб, ювишда энг замонавий ҳисобланган технологияни келтириб, қурилиши битказилаётган бинога ўрнатилди. Кенг, ёруғ ва баланд хоналар асбоб-ускуналар учун жуда мос тушди.

Фирма вакили Майснер Хайнмутнинг таъкидлашича, технология қанчалик мураккаб бўлмасин, ҳеч қачон панд бермайди. У Олмонияда ҳам энг сўнгги замонавий линия ҳисобланади. Соатига бир тонна дағал жунни тозалаб, титкилаб, ювиб, жойлаб чиқаради. Кўп электр энергия талаб қилинмайди. Ҳамма жараён автоматлаштирилган. Бор-йўғи 6 оператор бошқариб туради уни.

Корхона ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Шукур Обидов – жун технологияси бўйича етук мутахассис, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди. Кўп йиллар мобайнида республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги қоракўл ва жунни ўрганиш лабораторияси директори вазифасида ишлаган. Жун таркиби, ундан фойдаланиш усуллари бўйича бир нечта янгиликларга қўл урган.

— Ўнлаб йиллар давомида бир мен эмас, шу соҳа бўйича шуғулланаётган кўплаб олимлар мана шундай йирик корхона қурилишини орзу қилиб яшадик. Олимларгина эмас, чўпону мутахассислар, раҳбарларимиз, умуман, чорвадор меҳнатини ҳис этадиган кишилар жунни қайта ишлаш корхонаси кераклигини билишарди. Ниҳоят, мақсадга эришилди, деяверинг. Қоракўлчиларимиз жуда арзон нархда, устига-устак, минг азоб билан Россия корхоналарига бериб юбораётган жун эндиликда ўзимизда қолади. Демак, чўпонлар ишига барака, корхонамизга фойда ёғилади.

– Корхона фаолиятини юритишда бир нозик жараён бор, — дея сўзида давом этди у. — Ҳар бир қоракўл терида 3-4 рангда ингичка ва йўғон, узун ва қисқа толалар мавжуд. Уни навларга ажратиш анча мушкул иш. Ранглар бир хиллигини таъминламай туриб, уни саноат асосидаги хомашёга айлантириб бўлмайди. Жун асосан 4 навга, 18 хилга бўлинишини ҳисобга олсак, бу жараённи фақат қўл кучи билан бажариш талаб этилади. Саралаш цехида 50 нафарга яқин йигит-қизлар бу ишни кўнгилдагидек бажаришяпти. Вилоят ширкат, фермер хўжаликларидан сотиб олинган 650 тонна жун бу жараёндан ўтиб, пресслаш цехига жўнатилмоқда.

Навоийда мазкур қўшма корхона келажагига катта ишонч билан қаралмоқда. Чунки Конимех, Томди, Учқудуқ, Нурота туманлари чорвадорларига бекиёс қулайлик яратилади, арзонгаровга сотиб юборилаётган хомашё ўз баҳосига эга бўлади. Энг муҳими, ҳозиргача республикадан ташқарига олиб кетилаётган 30-40 минг тонна жун ўзимизда қайта ишланиб, ярим тайёр ва тайёр маҳсулот сифатида жаҳон бозорига чиқарилади.

Шукур Обидовнинг изоҳича, яқин келажакда жунни калавалаш ҳам йўлга қўйилади. Ҳозироқ чўл ҳудудларида яшовчи уй бекалари билан гилам, кигиз ва жундан тўқиладиган бошқа кийимлар учун шартномалар тузилмоқда. Бу йўл орқали юзлаб ишсизларни иш билан таъминлаш имконияти яратилади. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, тайёр хомашё Ватанимиз сарҳадларини қўриқлаётган аскарларимизга шинеллар тикишда асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Ҳа, навоийлик ишбилармонлар фақат бугунги кун режаси билан яшаётганлари йўқ. Улар авлодларимизга зарур моддий ва маънавий бойликлар қолдиришга уринмоқдалар. Шу йил сентябр ойида тўлиқ фойдаланишга топшириладиган, дунё андозаларига мос йирик корхона мисолида бунга яққол ишонч ҳосил қилиш мумкин.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




Теннис: Президент кубоги

# МАРАТ МУРОДИГА ЕТАРМИКАН?

**Олдин хабар қилганимиздек, 9-17 сентябр кунлари пойтахтимиздаги «Юнусобод» спорт мажмуида теннис бўйича Президент кубоги мусобақалари бўлиб ўтади. Ҳозирда мазкур халқаро турнирни юксак савияда ўтказиш учун сўнгги тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.**

Тошкентга ташриф буюриши кутилаётган жаҳон теннис юлдузларининг кўпчилиги айни кунда Америка очиқ чемпионатида иштирок этишаяпти. Жумладан, еттинчи бор ўтказилаётган Президент кубогини қўлга киритиш учун асосий даъвогарлардан бири ҳисобланган Марат Сафин ҳам муваффақиятли қатнашаётир.



Марат 1980 йилнинг 27 январида Москвада туғилган. Бўйи 1 метр 93 сантиметр, вазни 81 килограмм. Ракеткани ўнг қўли билан тутади. АТП турнирларида жами 589,034 АҚШ доллари ишлаган. Энг юқори рейтинги 23 поғона (22.03.1999).

Маратнинг отаси — Михаил Москвадаги кичикроқ теннис клуби директори. Онаси Рауза Исланова эса собиқ таниқли теннисчи аёллардан. Айнан онаси Маратни 6 ёшидан 13 ёшигача теннис сирларига ўргатган. Шундан сўнг Марат Испанияга йўл олиб, у ерда Рафаэл Менсоа қўлида машқ қила бошлади.

Ҳозир ҳам Марат йилнинг кўп вақтини Валенсияда ўтказади. Бу ерда у Испаниянинг энг кучли теннисчилари билан бирга машқ қилади. М.Сафиннинг 13 ёшли синглиси Диана ҳам теннис бўйича малакасини ошираяпти.

Марат бу йилги Президент кубоги мусобақаларида муваффақиятли қатнашиб, бош совринни қўлга киритишни ният қилган. Қани кўрайликчи, у муродига етармикан?

**Озод БЕК,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Мамлакатимизда улуғ сана, истиқлолимизнинг тўққиз йиллиги тантаналари тугамай кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида яна бир байрамга ҳозирлик кўрилмоқда. У ҳам бўлса мамлакатимиз географларининг V қурултойидир.

Воқеа арафасида

# ГЕОГРАФИЯ ВА ҲАЁТ

Анжуман «География фани XXI аср бўсағасида: муаммолар, ечимлар ва вазифалар» шиори остида ўтказилади. У ўз ишини ҳозирги замон географиясининг асосий тармоқларини қамраб олган ҳолда олиб боради. Булар география фанининг умумий масалалари, табиий география ҳамда экологиянинг, иқтисодий ва социал географиянинг асосий муаммолари, картография ва унинг муаммолари, қуруқлик гидрологияси ҳамда географиянинг амалиётдир.

Буларнинг номланишидан кўриниб турибдики, ҳозирги замон ўзбек географияси ҳар жиҳатдан кенг қамровдаги илмий изланишларни амалга ошира олувчи фан даражасига кўтарилган. Шундай бир вазиятда қурултойнинг чақирилишидан асосий мақсад география фанининг мустақиллик йилларидаги одимларини таҳлил этиш ва истиқбол йўналишларини белгилаб олишдан иборат.

География фанининг тўққиз йиллик тараққиётига назар ташлайдиган бўлсак, қисқа вақтда сезиларли ютуқларга эришилганлигига ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. Аввало, ҳозирги замон ўзбек географияси, илгариги, собиқ иттифоқ шароитидагидан фарқли ўлароқ, жаҳон географиясининг бир бўлаги сифатида намоён бўлмоқда. Таъкидлаганимиздек, қисқа давр ичида қадимий география боғрида янгидан-янги, ўтиш даври муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган тармоқлар куртак ёза бошлади.

XXI аср бўсағасида ўзбек географлари олдида ҳал этилиши лозим бўлган талайгина муаммолар мавжуд. Булар ўз моҳиятига кўра экологик, иқтисодий ва ижтимоий тавсифга эга. Шу ўринда бир савол туғилади. Бугунги кунда географларимиз тўла маънодаги илмий изланишларни олиб боришга қодирми? Ҳа, албатта, Чунки қисқа тарихий давр ичида географларимиз сафи олий маълумотли, ҳур фикрли, ёш олимлар билан кенгайди. Агарда, 1970-1990 йиллар мобайнида фан докторларининг умумий сони 15 нафарни ташкил этган бўлса, миллий истиқлол шарофати билан, қисқа давр ичида улар 25 нафардан ошиб кетди. Фан номзодлари сафида эса ўз фанига, садоқатли бўлган икки юздан ортиқ олимлар етишиб чиқди. Улар ўз илмий изланишларини биринчи навбатда бозор иқтисодиётига кириб бориш шароитида аҳоли ва унинг ажралмас таркибий қисми бўлган меҳнат ресурслари муаммоларини, саноат ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этиш, бошқариш муаммоларини ҳал этишга йўналтирдилар. Албатта, Орол ва Оролбўйи муаммолари, экологик вазиятни яхшилашнинг илмий асосларини ишлаб чиқишга устувор аҳамият бериб келинди.

Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, янги аср бўсағасида география таълими соҳасида, шунингдек география фанининг йирик бўғини ҳисобланмиш картография йўналишида мамлакатимизнинг бугунги кунда қўлга киритаётган ютуқларини акс эттирувчи қўлланма ва дарсликлар чоп этила бошланди. Булар орасида «Ўзбекистон географик атласи» ҳамда «Амалий география» алоҳида ўрин тутади. Чунки ушбу икки қўлланма илгари ўз муқобилига эга бўлмаган асарлардир.

Илмий изланишлар, таълим тизимида қўлга киритилган ютуқлар география фанида истиқболда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар йўқ, деган маънони билдирмайди. Чунки келажакда мустақиллигимизни мустаҳкамлашда бошқа соҳа вакиллари сингари географларимизнинг ҳам ўз ўрни бор, албатта. Шу боис улар ўзларининг АҚШ, Германия, Хитой, Россия ва бошқа давлатлар географ олимлари билан ҳамкорликда олиб бораётган изланишларини янада ривожлантиришлари зарурат.

Умид қиламизки, мамлакатимиз географлари ҳам дунё тан олган авлодларимиз сингари ўзбек илми довруғини дунёга таратадилар.

**З. АКРОМОВ,**
**Ўзбекистон география жамияти раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.**
**Ш. АЗИМОВ,**
**ЎзР ФА география бўлими мудири, доцент.**

# ТАДБИРКОРНИНГ ҲИММАТИ

Тадбиркор бойиса, бундан одамларга манфаат борми? Бор экан. Қашқадарё вилоятининг Косон туманида яшовчи тадбиркор Ибодулла Мустафоев буни исбот қилди. У ўз маблағи ҳисобига Жиззали маҳалла аҳли учун 8 хонали врачлик пункти биносини қурди, зарур тиббий асбоблар билан жиҳозлади. Ташхис маркази, гинекология, физиотерапия, оналар ва болалар хоналарида беморлар учун барча қулайликлар яратилган.

Қўйинидан тўкилса, қўнжига деганлари шудир-да.

**Н. РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





*Термизда бошқа шаҳарларда учрамайдиган «Болажон» боғи бор. Номи шундай аталса-да, лекин бу катталарнинг ҳам баҳри дили очиладиган маскан. Боғда турли хушманзара дарахтлар билан бирга йигирма хилдан ортиқ ноёб қушлар ҳам парвариш қилинади. Шу боисдан шаҳар меҳмонлари ҳам бу боғни зиёрат айлашни канда қилишмайди. Ва албатта, бу гўзал масканнинг ташкилотчиси Хурсан Каримовга ўз миннатдорчиликларини изҳор этишади.*

**СУРАТЛАРДА: «Болажон» боғидан лавҳалар.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

# ЯНГИ БАНК РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Марказий банкнинг Тижорат банкларини рўйхатга олиш комиссияси «Сўғдиёнабанк» хусусий акциядорлик тижорат банкига банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли лицензия берди ва уни тижорат банкларини рўйхатга олиш давлат китобига қайд этди, деб хабар беради Марказий банк Матбуот хизмати.

Устав капитали 40,2 миллион сўм миқдорида белгиланган ва унинг 82,1 фоизи жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳисобига таркиб топган янги банкнинг очилиши мамлакат Президентининг «Хусусий акциядорлик тижорат банклари тузишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва «Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари талаблари изчил амалга оширилаётганининг тасдиғидир.

«Сўғдиёнабанк» ўзининг устувор йўналишини ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, кичик ва ўрта бизнесни молиялаш, мамлакатимизда янги мулкдорлар синфини шакллантиришга қаратмоқда.

Мардлар қўриқлайди Ватанни

# ЮРАГИДА ЎТИ БОР

Ҳарбийлар даврасида бўлганимда, уларнинг машқларини, саф тортиб, алп қадамлар-ла юришларини кузатганимда, қалбимни ажиб бир туйғу эгаллайди. Қаршимдаги жасур ўғлонлар тимсолида тупроғида олтин унаётган гўзал ўлканинг, буюк келажаги яратилаётган мустақил Ўзбекистоннинг бепоён сарҳадлари дахлсизлигини ҳис этаман. Ва яна шундай улуғ Ватанда яшаётганимдан, унинг қадди тик, ғурури осмон, кўнгли тоғдек посбонлари борлигидан қувонаман.

Самарқанд автомобил қўмондонлик-муҳандислик олий ҳарбий билим юрти битирувчиларидан бир нечаси билан суҳбатлашиб, улар қалбида Ватан туйғусининг нақадар кучли эканлигини яна бир бор англадим.

— Тўрт йил мобайнида ҳар томонлама чиникдим, — деди ўзини Зарафшон шаҳридан, деб таништирган Феруз Шарафуддинов. — Автомобилчилар тайёрлаш бўлимини битирдим. Эндиликда ўзимни ҳам жисмонан, ҳам маънан Ватан хизматига тайёр ҳисоблайман. Юртим тинчлиги, осойишталиги йўлида ҳар қандай машаққатдан чўчимайман.

Тажрибали ўқитувчилар ўқув-машғулот жараёнида энг асосий эътиборни ҳар бир тингловчи қалбига ватанпарварлик туйғуларини сингдиришга қаратишади.

— Мустақиллик даврида миллий кадрлар тайёрлаш кўпайди, — дейди батальон командири, подполковник Убайдулла Ёдгоров. — Ўқишга интилаётганларнинг асосий қисмини қишлоқ йигитлари ташкил этади. Ҳаммаси мард, жасур, юрагида ўти бор ёшлар. Айни пайтда янги қабул қилинган курсантлар билан ўқув марказида машғулотлар ўтказаяпмиз. Жанговар тайёргарлик, ҳарбий интизом деган тушунчалар аллақачон улар қалбидан жой олди.

— Автомобилчилик ихтисосини эгаллаб, ўзимни Ватан хизматига бахшида этиш мақсадида олий ҳарбий билим юртига ўқишга кирдим, — дейди курсант Шерзод Халилов. — Бошланғич ҳарбий тайёргарлик машғулотларига кўникиб кетдик. Ҳарбийча тартиб, интизом менга жуда маъқул тушди. Демак, мен Ватан ҳимоясига отландим. Келгусида зиммамга юкланадиган масъулиятни ҳозирданоқ ҳис этаяпман. Бундан эса қалбим қувончга тўлади. Негаки, ўз Ватанинг ҳимоясидан ҳам улуғ иш борми?

Ҳа, шундай. Бошқа курсантлар ҳам шу фикрда. Ҳамманинг кайфияти аъло. Дилларига Ватан меҳрини жо айлаган ҳолда тайёргарлик машқларини давом эттиришмоқда.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





НАҚД ПУЛ БИЛАН ИШ ЮРИТУВЧИ КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, БАНКЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

«TEX SISTEMA SERVIS»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

БАНК ЖИҲОЗЛАРИ ВА КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

**1. Пул ҳисоблаш машиналари:**
*Урал-1/3, Импульс 31-01 (Россия),*
*Magner-20,75,95 (UV,MG,UD,UMD) (Япония),*
*De La Rue (Англия),*
*Tellac-7,8 (SD,UV,MG), LAUREL-J 700,710 (Япония).*

**2. Танга ҳисоблаш машиналари:**
*Kobell Cointot (949,950 HF) (Англия),*
*Scan Coin (SC 303,102,3003) (Швеция),*
*Japan Cash machine (SC-20,25,30) (Япония).*

**3. Пул ва қимматли қоғозларни ўраш жиҳозлари:**
*Multivac (C 100,A200/15,A 200) (Германия),*
*DB (2240,2241,2242) (Германия),*
*УПН-5М (Россия),*
*COM BB, JD (240, 240W) (Япония).*

**4. Сўм ва хорижий валютани текширувчи детекторлар:**
*ППН, Ультра маг (Россия),*
*Cash Scan, Super Scan (Швеция-Корея),*
*WD-10, UBD-100, DBC (03,RS,70,2000) (Япония),*
*REGULA (2003,3001,3002,4003,4004,4005) (Белорус).*

**5. Хорижий валюталар котировкаси таблоси:**
*TD (301-328) (Болгария),*
*KRABBE (Германия),*
*Рубин (Россия).*

**Шунингдек, оргтехника, компьютерлар, принтерлар, факслар, модемлар ва уларга эҳтиёт қисмлар. Барча техникага бир йил ва ундан ортиқ муддатга кафолат берилади Барча жиҳозларга энг яхши сервис хизмати кўрсатамиз.**

«TEX SISTEMA SERVIS» — бу мукаммалликка интилиш.

3284




# ЕТТИНЧИ ФАРЗАНД

Шаҳримизнинг Акмал Икромов туманидаги 6-оилавий поликлиникага йўлингиз ёхуд ишингиз тушиб бориб қолдингиз, дейлик. Қабулга навбат олиб ўтирганингизда баланд бўйли, оқ халат кийган бир аёл шифокорлар ўтирадиган хона эшикларини бир-бир очиб, уларнинг вақтида ишга келган, келмаганлиги билан қизиқади. Гоҳо навбат кутиб ўтирган беморлардан қаерингиз оғрияпти, кўп кутиб қолмадингизми? — дея ҳол-аҳвол сўраб қўяди. Сўнг поликлиника қошидаги 20 ўринли шифохона томон шошилади.

Шоирахон оиланинг кенжатойи, етти нафар фарзанднинг еттинчиси эди. Нима бўлди-ю, онаси Ҳамроҳбону юрак касали билан оғриб қолди. Онаизорининг тортган азоблари, қайси шифокордан малҳам топаркинман, фарзандларим камолини кўриш насиб этармикан, ёки... дея жовдираб туришларини кўрган қизалоқ шифокор бўлишга аҳд қилиб қўйганди.

Бугун Шоирахон Комилова олий тоифали шифокор, соғлиқни сақлаш аълочиси, 6-оилавий поликлиника бош шифокори ўринбосари.

Бундан 11 йил муқаддам у игна билан даволаш терапиясига қизиқиб қолди. Игинали ролик-массажёр кашф этиш унга тинчлик бермай қўйди. Мақсадини турмуш ўртоғи билан ўғлига айтганди, улар ёрдам беришга тушишди. Икки ой ичида ролик-массажёр тайёр бўлди. Синовдан ўтиб, патент ҳам олди. Ундан асосан шамоллаш, бўғин, бўйин, кўкрак, бел, бронхид ва нафас қисиш ҳамда остеохандроз (туз йиғилиши) касалликлари билан оғриган беморлар фойдаланадилар. Қулайлиги шундаки, у енгил ва ихчам бўлиб, бемор ўзи билан бирга олиб юриши ва ҳеч кимнинг ёрдамисиз бемалол ишлатавериши мумкин. Акс таъсири йўқ.

— Инсоннинг соғлиғи — энг катта бойлиги, —дейди Шоирахон биз билан суҳбатда. — Бу бойликни асраш ҳар кимнинг ўз қўлида. Поликлиникамизда 43 минг аҳолига тиббий хизмат кўрсатилади. Шунингдек, икки сменада ишловчи 20 ўринли кундузги шифохонамиз ҳам бор. Унда асосан уйида фарзандларига қаровчиси бўлмаган аёллар ва кексалар даволанадилар. Эрталаб турмуш ўртоғини ишга, ўғил-қизини мактабга ва боғчага кузатгандан сўнг аёл бу ерга келиб, керакли муолажаларни қабул қилиб, дам олади. Кечқурун яна уйига бориб, ош-овқатини тайёрлайди. Аёл саломат экан, оила ҳам тинч бўлади.

**Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА: Шоирахон Комилова (чапда) ва биринчи тоифали шифокор Лиля Ғафурова.**
**Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

*«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 9 сентябр, шанба куни чиқади.*


Реклама ва эълонлар
136-09-25


Ўзтелерадиокомпанияси жамоаси республика радиосининг диктори, меҳнат фахрийси Инобат Юсуповага турмуш ўртоғи

**Акромхўжа АҲМАДХЎЖАЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илмий ишлаб чиқариш маркази Бозор ислоҳотлари илмий тадқиқот институти жамоаси институтнинг илмий котиби, иқтисод фанлари номзоди, катта илмий ходим Малика Раҳматуллаевага умр йўлдоши

**Алавиддин СОДИҚОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси жамоаси Андижон вилояти табиатни муҳофаза қилиш бошқармасининг раиси

**Жалолиддин КАТТАХЎЖАЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент юридик коллежи жамоаси коллеж ўқитувчиси Мавлон Латиповга отаси

**Саид ота ЛАТИПОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбек ипаги» уюшмаси бошқаруви «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган енгил саноат ходими» Ниғмат Нормуҳамедовга умр йўлдоши

**Муқаддам БОҚИЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва жамоат ташкилотлари «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш» кафедраси профессори Отахўжа Баҳодировга опаси

**Ҳалима опа БАҲОДИРОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти жамоаси «Оркестр дирижерлиги» кафедраси профессори, композитор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби

**Султон ҲАЙИТБОЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.


«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;*
*Ҳуқуқ — 136-07-94;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;*
*Ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 133-78-92;*
*Халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 716, 18918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — Ф. САНАЕВ.
Навбатчи — О. РАЖАБОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 21.20*
1 2 3 4 5 6